Ушбу сонда:

2 *Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?* ДАЪВО АРИЗАЛАРИ КИРИТИЛДИ

3 СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

4 БУЮК МЎЙҚАЛАМ СОҲИБИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 28 январ, чоршанба № 14 (1647)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ҚАШТЕКС» МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРГИР

«Қаштекс» акциядорлик жамияти вилоятдаги йирик саноат корхоналаридан бири саналади. Бу ерда тайёрланаётган калава ва трикотаж кийимларга ички ва ташқи бозорда талаб катта.

- Ўтган йили Германия, Туркия ва Беларусга қарийб 400 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилдик,- дейди акциядорлик жамияти раиси Хўжам Қодиров. - Чет эллик истеъмолчилар бу йил ҳам «Қаштекс» билан ҳамкорликни давом эттириш истагида.

Ўтган йили корхонада 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич икки миллиард сўмдан ортиши кутилмоқда.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

«Меҳр ва мурувват йили» дастури тўғрисида

Мамлакатимизда 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, жамиятимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртдошларимиз, аввало, ёшларимиз онги ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан, кам таъминланган тоифа ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Меҳр ва мурувват йили» дастури тасдиқлансин.

Дастурда белгиланган чора-тадбирлар:

- давлат идоралари ва жамоат тузилмаларининг маблағ ва имкониятларини, корхона ва ташкилотлар, ширкат ва фермер хўжаликлари, тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳомийлик ёрдамларини кам таъминланган оилалар, ногиронларни, боқувчисидан жудо бўлган фуқаролар ва ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жалб этишга;

- жамият ҳаётининг асосий бўғини бўлган оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, жумладан, янги иш ўринларини яратиш, аҳолига тиббий, савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича аниқ режаларни амалга оширишга;

- юртдошларимизни меҳрибонлик ва эзгулик руҳида тарбиялаш, замон талабларига жавоб берадиган қадимий анъана ва қадриятларимизни ҳаётимизга янада чуқурроқ сингдириш, бундай интилиш ва ҳаракатларни оммавий ахборот воситалари, жойлардаги маънавий-маърифий тадбирлар орқали кенг тарғиб қилишга йўналтирилгани маъқуллансин.

2. «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ушбу дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва агентликлар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

йилнинг ҳар чорагида, тегишли идоралар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг бажарилишини муҳокама қилиб, зарур чора-тадбирлар кўриб борсин;

йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича дастур топшириқларининг бажарилиши натижалари тўғрисидаги таҳлилий маълумотни кейинги ойнинг 7-кунигача республика комиссиясига тақдим этсин.

4. Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига аҳоли ўртасида «Меҳр ва мурувват йили» дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, уларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 январ

Меҳр ва мурувват йилида кексаларимизга эътиборли бўлиш, уларни авайлаш, соғлиғига аҳамият қаратиш хайрли ишларимиздан бири бўлиши керак.

Олтиариқ фахрийлар сиҳатгоҳи кекса ёшдаги беморларга мўлжалланган бўлиб, республикамизда яхши танилган шифо масканидир.

Суратда: сиҳатгоҳ ҳамшираси Ибодат Холбоева

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

БОЛАЛАР СПОРТИ РИВОЖИ:

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Хабар қилинганидек, Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлисида мазкур кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қуйида ушбу кенгаш йиғилишининг баёни эълон қилинмоқда.

Дастлаб 2003 йил 4 июн куни ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилиши баёнининг бажарилиши юзасидан болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимовнинг ҳисоботи тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимовнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2003 йилги бюджети ижроси ва 2004 йил бюджет лойиҳаси тўғрисида, Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев ва Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидовнинг мазкур вилоятларда болалар спорти иншоотларини барпо этиш дастурининг бажарилишига оид ахборотлари маълумот учун қабул қилинди.

Мажлисда 2003 йилга мўлжалланган иш режаси асосида ўтган йил давомида режадаги 85 та ўрнига 130 та спорт иншооти қурилиши ва таъмирланиши бошланиб, шундан 105 таси фойдаланишга топширилгани қайд этилди.

Ўтган йили 12,2 миллиард сўм ҳамда 2,6 миллион АҚШ доллари жамғарма ҳисоб рақамига туширилгани, бундан ташқари, ҳомийлар ҳисобидан 22,5 миллиард сўмдан ортиқ ҳажмда қурилиш, қайта таъмирлаш ишлари ҳамда хизматлар бажарилгани кўрсатиб ўтилди. Республикада спорт турлари бўйича 2,8 мингта спорт секцияси ташкил этилиб, уларга 85 мингдан ортиқ бола жалб қилинди.

2003 йилда Хоразм вилоятида «Умид ниҳоллари» ва Андижон вилоятида «Баркамол авлод» ўйинлари юксак савияда уюшқоқлик билан ўтказилди. Бу, ўз навбатида, болалар спортининг янада оммавийлашуви ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Оммавий спорт тарғиботини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон телерадиокомпаниясида «Спорт» телеканали 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб мунтазам фаолият кўрсата бошлади.

(Давоми 2-бетда)

Ижтимоий ҳимоя

ИШЧИЛАР ШИФОХОНАДА БЕПУЛ ДАВОЛАНИШДИ

«Бексбодун» ҳиссадорлик жамиятида бўлсангиз ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат фахрийлари ҳамда қарияларни қадрлаш бош вазифа эканлигини қалбдан ҳис этасиз.

– Яқинда ишчиларимиздан Абдурасул Сафаров ва Дилбархон Жумаевалар бетоб бўлиб қолишди. Уларнинг шифохонада даволанишлари учун корхона ҳисобидан тиббиёт муассасасига маблағ ўтказиб бердик, дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Собиржон Маражабов.

Ҳақиқатан ҳам бу корхонада иш берувчи билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасида энг аввало меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқларини янада мустаҳкамлаш моддий ва маънавий рағбатлантириш асосий ўринга қўйилган.

Раҳбар авваламбор ишчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароит, етарли миқдорда хомашё яратиши зарур. Маҳсулот харидоргир, манфаатдорлик кўнгилдагидек бўлсагина тараққиёт бўлади.

Яна бир жиҳат. Касабақўм раиси раҳбарият билан ҳамиша бамаслаҳат, ҳамкорликда иш олиб боради. Биргаликда ишчилар дардини тинглайди. Зарур ҳолларда уларга амалий ёрдамлар кўрсатади.

Ҳар бир меҳнат жамоаси яхши фазилатли раҳбар, ташаббускор касабақўмнинг ҳар доим ҳурматини жойига қўяди. Шундан-да бўлса керак, «Бекободун»да юксалиш сезилаётир. Маҳсулот сифати янада яхшиланиб, корхонанинг иқтисодий қудрати тобора мустаҳкамланмоқда. Бир сўз билан айтганда, ишчи-хизматчиларга ғамхўрлик, уларнинг саломатликлари тўғрисида қайғуриш, моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш меҳнатда эришилаётган муваффақиятларнинг бош омили ҳисобланади.

Ўтган йили ҳар бир ишчига 20 минг сўмдан ҳайитлик берилди. Уларга картошка, сабзи, пиёз сотиб олишлари учун 40 минг сўмдан пул ажратилди. Корхонада ишлаб, ҳозирда нафақада бўлган меҳнат фахрийлари, қариялар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар йўқланди.

– Мен оддий бир ишчиман, – дейди Шавкат Очилов. Касаба уюшмасининг бизларга бўлган меҳрибонликларидан ниҳоятда хурсандмиз. Ўтган ойда соғлиғим ёмонлашди. Ўзбекистон металлургия комбинатининг тиббий соғломлаштириш қисмида даволанишимга тўғри келди. Соғайиб кетишим учун 60 минг сўм маблағ корхона ҳисобидан ўтказиб берилди. Дивидентимни ўз вақтида олиб турибман. Оддий бир ишчининг қалб сўзини тинглаб, хаёлга толасан. Собиқ шўролар даврида дивидент олиш етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган. Корхона ўз ишчиси учун тиббиёт муассасасига пул тушириб бериши ақлга сиғмас эди.

Бугун бундай ҳур замонани, яхши ишлаб яхши яшашни, барча имтиёзлардан тўла бахраманд бўлишдек фаровон ҳаётни истиқлол берди. Меҳнатни ташкил этишнинг янги усуллари, мулкка муносабат, мулкчилик шакли асрий орзуларимизни рўёбга чиқарди.

40 йил шу корхонада ишладим, дея суҳбатни давом эттирди меҳнат фахрийси Холмирза ака Ҳакимов. Касабақўм раиси 117 минг сўмлик йўлланмани қўлимга тутқазди. Соғлиғимни тиклаб, дам олиб келдим. Корхона маҳсулотлари харидоргирлиги боис, буюртмачилардан талаб-эҳтиёж катта. Ўнлаб ширкат хўжаликлари, юзлаб деҳқон-фермерлар билан ҳам ҳисоб-китоб ишлари ўз вақтида амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, ишчилар соғлиғини мустаҳкамлашга, моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берган ҳар бир меҳнат жамоаси тараққиётга юз тутади. Иқтисодиётини мустаҳкамлайди.

Турсунали УСМОНОВ

АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ «АЛПОМИШ»ДА

Уч йил илгари тадбиркор Абдумажид Хотамов ўз маблағи ҳисобидан Навоий шаҳрида «Алпомиш» спорт мажмуасини қуриб, фойдаланишга топширган эди.

Замон талабларига тўла жавоб берадиган спорт саройида оғир атлетика, боди-билдинг, бокс, белбоғли кураш, аэробика, даволаш гимнастикаси билан шуғулланиш мумкин.

- Мажмуа очилганида мингга яқин спортчини сафимизга олгандик, - дейди мажмуа раҳбари, вилоят армрестлинг федерацияси президенти А.Ҳотамов. - Айни пайтда бу ерда кам таъминланган оилалар фарзандлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари спорт билан текин шуғулланади. Ҳозиргача армрестлинг ва учкураш бўйича олти нафар спортчимиз мамлакат чемпиони бўлди. Армрестлинг бўйича Осиё ва Европа чемпионлари, Жаҳон чемпионатлари совриндорлари - Мирзоҳид Шаропов, Елена Шафронова, Зарифа Козлан каби ёш спортчилар ҳам шу ердан етишиб чиққан. Улар навбатдаги мусобақаларга тайёргарлик кўрмоқда.

Ҳозир бизда икки минг нафардан зиёд ўғил-қиз спортга жалб қилинган. Уларга малакали мураббийлар сабоқ бермоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва мурувват йили» дастури тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2004 йил мамлакатимизда «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди ҳамда бу борадаги асосий мақсад ва вазифалар белгилаб берилди.

Юртбошимиз Фармойиши билан тузилган «Меҳр ва мурувват йили» дастурини тайёрлаш бўйича республика комиссияси йил давомида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирларнинг комплекс дастурини ишлаб чиқди.

Ушбу дастур аввалги йилларда қабул қилинган «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Қарияларни қадрлаш йили» ва «Обод маҳалла йили» дастурларининг мантиқий давомидир.

Унинг асосий маъно-мазмуни халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар ва замонавий демократик тамойилларга таянган ҳолда, давлат ва жамиятнинг инсонга бўлган муносабат ва эътиборини янада кучайтиришдан иборат.

Дастур устувор масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, муҳтож бўлган, кам таъминланган тоифалар, оила ва инсонларга кўмак бериш, бу борадаги ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш;

ногиронларга, қаровчисиз қолган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга, ёлғиз кексаларга ёрдам ва кўмак бериш;

давлат ва нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг меҳр ва мурувват йўналиши бўйича фаолияти ва масъулиятини кучайтириш;

оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни меҳрибонлик ва мурувват руҳида тарбиялаш.

Меҳр ва мурувват деган улуғ тушунчаларнинг теран маъносини кенг тушунтириш, юртимиздаги ҳар қайси хонадон, ҳар қайси маҳалла, шаҳар ва қишлоқда маънавий-руҳий муҳитнинг бар қарорлигини таъминлаш, оилани, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, ибратли анъана ва урф-одатларимизни тарғиб этиш вазифаси ҳам дастурнинг мақсадига киради.

«Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида:

умумтаълим мактабларининг 616,5 минг нафар 1-синф ўқувчиларини бепул дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминлаш, шунингдек, махсус мактаб-интернатлар, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини, кам таъминланган оилаларнинг 2-9 синф ўқувчи-фарзандларини бепул дарсликлар билан таъминлаш ва шу мақсадда кутубхона фондларини тўлдиришга ажратилаётган маблағларни 1,5 баробар кўпайтириш;

соғломлаштириш оромгоҳларида 170 минг нафар бола, шу жумладан, кам таъминланган оилалар фарзандларининг бепул дам олишини таъминлаш;

кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган умумтаълим мактаблари ўқувчиларини бюджет ҳисобидан қишки кийим-бош билан бепул таъминлашни кучайтириш мақсадида ажратилаётган маблағлар миқдорини 1,2 мартага кўпайтириш;

республикадаги 93 та «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатлар биноларини, 46 та «Мурувват» ва «Саховат» уйларини ҳамда ижтимоий таъминот муассасаларини капитал таъмирдан чиқариш;

санаторийлар, шифохоналарда 32 минг нафар пенсионер, уруш ва меҳнат фахрийлари саломатлигини тиклаш;

чекка қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолини тиббий-ижтимоий патронаж хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш сингари қатор амалий тадбирлар белгиланган.

Дастурни амалга оширишнинг умумий харажатлари 354 миллиард сўм, шу жумладан 250 миллиард сўм Давлат бюджетининг 2004 йилга мўлжалланган маблағларидан иборат.

Дастурда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан муайян ҳудудга хос бўлган муаммолар ва имкониятлардан келиб чиқиб амалга оширилиши кўзда тутилган, эътиборга лойиқ ишлар ҳам ўз аксини топган.

Мазкур тадбирлар юртимизда бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатлилик, фуқароларо тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришга, ёшларимизни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Бу эса янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги мақсад ва интилишларимизни рўёбга чиқариш учун муҳим омил бўлади, изчил амалга оширилаётган ижобий ишларимизни янги босқичга кўтариш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, дастур замирида жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмаслиги, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги керак, деган эзгу ғоя мужассамдир.

БАЙРАМ АРАФАСИДА

Курбон ҳайити арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш ҳафталигини ўтказмоқда. Бир неча кун давомида пойтахтимиз туманларидаги барча маҳаллалар ҳудуди тозаланиб, ободонлаштирилади.

Шу билан бирга, тадбир доирасида меҳрибонлик уйлари, жисмоний имкониятлари чекланган болалар учун махсус мактаб-интернатлар ҳудудлари ва биноларини ободонлаштириш кўзда тутилган. Бундай муассасалар тарбияланувчилари учун концерт дастурлари, байрам дастурхонлари ташкил этилади. Корхона ва ташкилотлар ҳам бу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшиб, болаларга байрам совғалари топширади.

(ЎзА)

САМАРҚАНД ТОЛАСИ - ХОРИЖГА

Самарқанд вилоятидаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги қайта ишлаш корхоналарида тайёрланаётган тола асосан четга экспорт қилинмоқда.

- Шу кунга қадар Швейцария, Бельгия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Россия каби мамлакатларга 27 минг тонна тола экспорт қилинди, - дейди акциядорлик бирлашмаси бошлиғи Т.Санаев. -Замонавий технологиялар билан жиҳозланган Жума, Зирабулоқ, Жомбой, Челак ва Улуғбек номли пахта тозалаш заводларида тайёрланаётган толанинг 92 фоизи юқори навларга сотилмоқда.

(ЎзА)

ҚИРҚҚУЛОЧ ЯЙЛОВЛАРИДА

Киш кунлари. Кучли шамол кўз очирмайди. Булутлар ковоғи солинган. Тун ҳавода оппоқ капалаклар учаётгандек, гўё.

Корнинг кўпайиши чўпонларга анча-мунча ташвиш келтирди. Хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Эгамберди Нуралиев, бош зоотехник Нишонбой Сазанбоев ҳамрохлигида 4-кичик ширкатнинг яйловлари томон йўл олдик.

- Хўжалигимизнинг 50 минг бошдан ортиқ қўй-қўзилари Қирли, Керкинчак, Саксапдара, Сандал, Учмола, Қумчўл, Кўкмола, Бўзтепа, Гулибодом чўлларида боқилади, - дейди касабақўм раиси. - Ҳозирги қиш кунларида ҳамма чўпон-чўлиқларга ёрдамга отланган.

Қирққулоч яйловига етиб келганимизда бош чўпон Азамат Шерқулов отарни ҳайдовдан қайтараётган экан. 28 ёшли яйлов баҳодирининг мустақил чўпонлик қилаётганлигига тўрт йилдан ошибди.

У чўпон таёғини отаси Омон Шерқуловдан қабул қилиб олган. Омон ака қирқ йил қўй изидан юрди. Уч марта жун қирқиш бўйича республика кўрик-танлови ғолиби бўлган. Мана икки йилдирки, нафақада. Ҳалол меҳнати муносиб тақдирланган.

Ўғил ота изидан бориб, кам бўлгани йўқ. Азаматнинг отарида 476 бош совлиқ бор. Йилни ҳар юзидан 110 тадан қўзи олиш билан якунлади. Бир отардан икки отар яратилди. Оила пудрати самаралари амалда кўринаяпти. Ўтган йили 11 миллион 220 минг сўм даромад олинди. Шунинг 3 миллион 366 минг сўмини соф фойда ташкил этади.

Азамат оиласи билан чўлда яшайди. Фарзандлари мактабда таълим олишади. Чўпонларнинг турмуш шароитлари яхши. Даштда турар-жойлар барпо этилган. Қўйлар қишлайдиган жойларда ўтовлар қурилган. Чорвадор меҳнати ҳамиша қадрланади. У хўжалик раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан телевизор ва Хива гилами билан мукофотланди. Укалари Сайфулла, Қурбонбой тажрибали чорвадор Омон ака улар билан ҳамиша бирга. Чўпон А.Шерқулов бир йилда 790 минг сўм иш ҳақи, 842 минг сўм пул мукофоти, 34 бош қўзи олди. Йиллик даромади 2 миллион сўмдан ошиб кетади. Рўзғори бут, турмуши фаровон.

Бултур Нишон туманидаги «Нишон» ширкат хўжалигининг ҳамма тармоқларидан 1 миллиард сўм даромад олинган бўлса, соф фойда 200 миллион сўмдан ошиб кетди. Бахтиёр Жўраев, Тўйчи Бойқулов, Маҳма Чориев, Араб Қўйлиев, Райим Абдураҳмонов сингари чўпонлар ҳар йили бир отардан икки отар яратишаяпти. Хўжалик маъмурияти чорвадорларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида аҳамият бераяпти. Ҳисобланган дивидентнинг 80 фоизи ширкат аъзоларига тарқатилди.

Ўз ўрнини топган кишилар

Нишон қишлоғида 50 кишига мўлжалланган тиббий пункт қурилиб, фойдаланишга топширилди. Акмал Икромов номли, «Нишон» мактабларини таъмирлашга 1 миллион сўм маблағ сарфланди. Чўпонларнинг фарзандлари таълим оладиган мактаб-интернатга 2 миллион сўмлик юмшоқ жиҳозлар олиб берилди. Ёшлар спорт мажмуаси тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Меҳр-мурувват, одамларга ғамхўрлик доимий эътиборда. Ёрдамга муҳтож оилаларга 350 минг сўм, қарияларни дам олдиришга 135 минг сўм, болалар оромгоҳига 2 миллион 240 минг сўм, болалар боғчасини капитал таъмирлашга 10,5 миллион сўм сарфланди.

И.ИСОМУДДИНОВ

БОЛАЛАР СПОРТИ РИВОЖИ:

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

(Боши 1-бетда)

Жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқилган спорт кийимлари ҳамда спорт пойабзаллари намуналарининг доимий ҳаракатдаги ярмарка-кўргазмалари ташкил этилди. Шунингдек, мажлисда ҳомийлик кенгаши томонидан болалар спортини ривожлантириш борасида айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Жумладан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетининг даромад қисми 3,1 миллиард сўмга бажарилмаган. Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳудудий жамғармалари бюджетларининг даромад қисми бажарилмагани, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошкент, Жиззах ва Фарғона вилоятларида қурилиш ишлари кеч бошланганлиги туфайли режалаштирилган янги иншоотлардан 6 таси фойдаланишга топширилмагани қайд этилди.

Болалар спортини ривожлантиришни ташкил этиш масаласи бўйича аксарият қишлоқ жойларидаги умумий таълим мактабларида аҳвол мутлақо қониқарсиз эканлиги, айниқса, Навоий вилоятидаги айрим қишлоқ мактабларида спорт майдончалари йўқлиги, спорт анжомлари билан таъминлаш қониқарсизлиги, малакали спорт мураббийларининг етишмаслиги, вилоят ва халқ таълими ҳудудий бошқармалари раҳбарияти эса бу масалаларни ҳал қилишдан ўзини четга олаётгани кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари қишлоқ мактабларида болалар спортини ривожлантиришнинг моҳияти ва аҳамиятига ҳанузгача етарли эътибор қаратмаётгани, туманлар ва шаҳарларда болалар спорти учун масъул етакчи мутахассисларнинг аттестацияси қониқарсиз ўтказилгани таъкидланди. Хусусан, Сирдарё вилоятининг Янгиер, Тошкент вилоятининг Зангиота, Наманган вилоятининг Уйчи, Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманлари етакчи мутахассислари аттестациядан ўтганидан кейин 2-3 ой ўтар-ўтмас ишдан бўшаб кетган.

Кичик ва ўрта ёшдаги қизларни оммавий спортга жалб этиш масаласи талаб даражасида эмас. Жойлардаги айрим мутасадди раҳбарлар бу ишга юзаки қарамоқда, маҳаллалардаги спорт майдончалари негизида турли спорт секциялари тузилишига кўмаклашиш ва оилавий спортни ривожлантириш билан боғлиқ ишлар мунтазам олиб борилмаяпти.

Мажлисда таъкидланганидек, фойдаланишга топширилаётган болалар спорти иншоотларининг техник-эксплуатация ишларини ташкил қилиш масаласига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Қишлоқ жойларидаги мавжуд спорт муассасаларининг базасини кучайтириш ишлари қониқарсиз аҳволда, спорт инвентарлари билан жиҳозлаш масаласи кўп жойларда ўз ечимини топаётгани йўқ.

Жамғарманинг валюта ҳисоб рақамида 2,5 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда маблағ бўлгани ҳолда, спорт иншоотлари учун зарур жиҳоз ва анжомлар харид қилиш ишига ҳалигача киришилмаган.

2004 йил дастурини шакллантиришда жамғарма раҳбарияти ўзибўларчиликка йўл қўйгани, натижада жорий йилда янгидан қуриладиган ва таъмирланадиган кўпгина спорт иншоотларининг лойиҳа ҳужжатлари ҳанузгача тайёрланмагани, бу иншоотлар бўйича танлов савдолари ўтказилмагани қайд этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Жамғарма бошқаруви раиси А.Мирқосимовнинг 2003 йилда болалар спортини ривожлантириш ва бу мақсадларга ҳомийлар маблағларини жалб қилишдаги бажарган ишлари бугунги кун талабларига жавоб бермайди, деб топилди ҳамда 2004 йил дастурига киритилган қуриладиган ва таъмирланадиган спорт иншоотларининг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, танлов савдоларини ўтказиш ва иншоотларни ўз вақтида топширишга уларнинг шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2003 йил дастури ва бюджетининг ижроси ҳамда 2004 йил дастури ва бюджети тасдиқланди.

Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳомийлик кенгашлари раисларининг дастурдаги болалар спорти иншоотларининг ўз вақтида қурилиши, таъмирланиши ва самарали фойдаланилишига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилди. Уларга лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда танлов савдоларида йўл қўйилган камчиликларни январ-феврал ойларида бартараф этиб, кечи билан март ойида дастурга киритилган барча янги спорт иншоотларида қурилиш ишларини бошлаш вазифаси топширилди.

Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳомийлик кенгашлари раисларига 10 кун муддат ичида жойларда ҳомийлик кенгаши мажлисида қўйилган вазифаларни бажаришга бағишланган йиғилишлар ўтказиб, болалар спортини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини тасдиқлаш тавсия этилди.

Мазкур дастурларда, аввало, қишлоқ жойларидаги спорт иншоотлари бўлмаган мактабларни аниқлаш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш, спорт инвентарлари билан жиҳозлаш, бу ишга ҳомийлар маблағларини кенгроқ жалб этиш, спорт секцияларини малакали кадрлар билан таъминлаш, мактаблар атрофини ҳашар йўли билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, мавсумий спорт майдонларини қуриш, болалар спортини оммалаштириш, маҳаллаларда оилавий спорт мусобақаларини доимий равишда ўтказиш, қизларни спортнинг енгил атлетика, гимнастика, сузиш, теннис, стол тенниси каби секцияларига кенгроқ жалб этишга оид масалаларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги уқтирилди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари раҳбарларининг қишлоқ мактабларида болалар спортини ривожлантириш, спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш учун шахсан масъул эканлиги таъкидлаб ўтилди.

2004 йилнинг биринчи ярми натижалари бўйича Ҳомийлик кенгашининг мажлисида болалар спортини ривожлантиришда айрим шаҳар ва туман ҳокимларининг ҳисоботи эшитилиши белгилаб қўйилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимовга биринчи чорак якуни бўйича туман ва шаҳарларда болалар спортини ривожлантириш учун масъул етакчи мутахассисларнинг фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, нолойиқ шахслардан воз кечиб, малакали ва фидойи кадрларни топиш ҳамда жой-жойига қўйиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига ҳомийлардан тушиши белгиланган миллий ва эркин муомаладаги валюта маблағларининг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгиланган тушумларнинг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш учун шахсан масъул эканлиги таъкидланди.

Молия вазири М.Нурмуродов зиммасига барча қурилиш ишларини жамғарманинг тасдиқланган бюджети асосида ўз вақтида молиялаштириш, кўзда тутилган харажатларнинг белгиланган миқдорда ва мақсадли сарфланишини назорат этиш ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А.Мирқосимов) билан биргаликда бир ой муддатда республика бўйича фойдаланишга топширилаётган болалар спорти иншоотларида техник-эксплуатация ишларини ташкил қилиш юзасидан аниқ кўлланмаларни жорий қилиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаевга Андижон вилоятида барпо этилган коллеж ва лицейлар ҳамда уларнинг қошидаги замонавий спорт иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш борасидаги тажрибаларни ўрганиш ва амалий фаолиятда қўллаш мақсадида тегишли раҳбарлар ва мутахассислар учун республика семинар-кенгашларини ташкил этиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, А.Азизхўжаевга икки ой муддатда Халқ таълими вазирлигининг қишлоқ мактаблари моддий-техникавий базасининг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиб, унинг натижаларига кўра, вазирлик ҳамда ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг жавобгарлиги ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Навоий вилоятида болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, умумий таълим мактабларининг аҳволи, уларнинг спорт анжомлари билан таъминланиш даражаси ҳақидаги ҳисобот вилоят ва туман халқ таълими раҳбарлари ҳамда мактаб директорлари иштирокида кўриб чиқилади ва тегишли чоралар белгиланади.

Болалар спорти иншоотларини малакали спорт мураббийлари ва услубий қўлланмалар билан таъминлаш, спорт мураббийларининг малакасини ошириш дастурлари кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Марказда ва жойларда болалар спорт анжомлари, кийимкечаклар ва чарм-пойабзал маҳсулотларининг кўргазмалари ташкил этилганлигини эътиборга олиб, «Ўзбекенгилсаноат» компаниясига (А.Баҳромов) ва «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасига (Э.Холмуродов) ана шундай маҳсулотларни замон талаблари даражасида ишлаб чиқариш ва уларни арзонлаштирилган нархларда истеъмолчиларга етказиб бериш чора-тадбирларини кўриш вазифаси юклатилди.

«Ўзтелерадиокомпания» (А.Кўчимов), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Шоғуломов) ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига (М.Ҳазратқулов) болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни кенг ёритиш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш тавсия этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг 2004 йил иш режаси тасдиқланди.

(ЎзА)

Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги «Юлдуз» очиқ турдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти гигант корхоналардан бири саналади. Туман ҳудудидаги 7 та пахта қабул қилиш пункти билан ҳисоблаганда ҳозир жамоада 540 нафар киши меҳнат қилади.

Ҳиссадорлик жамиятида инсон омилига бўлган эътибор асосий ўрин эгаллайди. Ўтган йилда ишловчиларга моддий ёрдам учун 1 миллион 286 минг сўм, турли тадбирлар учун 2 миллион 120 минг сўм сарф қилинди, 10 нафар ишчи марказий санаторийларда саломатликларини тиклаб қайтди. Айни кунларда эса пахтани қайта ишлаш борасидаги ишлар уч навбатда ташкил этилиб, бир маромда олиб бориляпти.

Суратларда: завод бош муҳандиси Ойбек Картбоев ишчи Каримбой Ҳайитбоевга хавфсизлик қоидалари ҳақида тушунтирмоқда; той пахтани маркаловчи Озод Шарипов иш устида.

Б.ЭРНАФАСОВ олган суратлар

2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

ОҚСОҚОЛ ОБРЎСИ

Ўтган йили мамлакатимизда «Обод маҳалланинг мазмун ва моҳияти, миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Қонунларини тарғибот қилишда энг фаол қатанашган маҳалла оқсоқоли» танлови эълон қилинган эди. Танлов қатнашчилари орасида Қарши шаҳридаги «Хонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Файзулла Маманов ҳам бор эди.

Файзулла ака танлов ташкилотчиларининг фахрий ёрлиғи, «Ибратли маҳалла оқсоқоли» кўкрак нишони ва қимматбаҳо совғаларини қабул қилиб олар экан, маҳалла тарихи кўз олдида яна бир бор гавдаланди.

Бундан чорак аср муқаддам Қарши чўлини ўзлаштириш ҳисобига ташкил этилган механизаторлар қўрғонида аҳоли учун ҳамма қулайликлар яратилган эди. 8-10 сотих ҳовлиси бўлган бир ва икки қаватли юзлаб коттежлар, мактаб, болалар боғчалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари, равон йўл ва кўчалар барпо этилди.

Орадан йиллар ўтди. «Қаршиқурилиш» бирлашмаси тугатилгач, қўрғон шаҳар тасарруфига олинди. Эътиборсизлик оқибатида ободончилик ишларига етарли маблағ ажратилмади. Натижада йўллар ўнқир-чўнқирга айланди. Сув, газ, электр энергияси таъминоти издан чиқди. Ана шу муаммоларни бартараф этиш мақсадида «Хонтепа» маҳалла қўмитаси ташкил этилди. Фуқаролар йиғини раислигига фидойилиги ва ишчанлиги билан эл ҳурматини қозонган Файзулла Маманов сайланди.

Оқсоқолнинг саъй-ҳаракати билан маҳаллада юзага келган камчиликлар бартараф этилди. Хусусан, маҳалла ҳудудида шифохона, дорихона, ўнлаб маиший хизмат тармоқлари, савдо маркази, гўзаллик салони, Халқ банкининг филиали ишга тушди. Почта алоқа бўлими очилди. Вилоят ва шаҳар ҳокимлигининг ёрдами билан ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминотидаги муаммолар ўз ечимини топди. Бугунги кунда «Хонтепа»да 5600 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш доимий эътиборда. Масалан, 56 та кам таъминланган оила, 26 нафар ногирон ҳомий ташкилотлар ва тадбиркорларга биркитилган. Бундан ташқари, ўзгалар ёрдамига муҳтож 186 нафар ногиронга моддий ёрдам кўрсатилаяпти. 56 та кам даромадли оила уйларига бепул сув ўлчагичлар ўрнатилди. Газ тўловларидан қарзни қоплашга маҳалла ҳисобидан 1 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ўтган йили маҳаллада янги қувур тортилиб, сув таъминоти яхшиланди. Замонавий болалар ўйингоҳи бунёд этилди.

Маҳаллада «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» мавзусида ўтказилган мулоқотга суд ва прокуратура ходимлари, вояга етмаган ёшлар таклиф этилди. Ҳа, маҳалла раиси Файзулла Маманов ўзининг хайрли ишлари билан одамлар қалбига йўл топаётганлиги, тўй-маъракаларга бош-қош бўлаётгани туфайли ҳамюртлари ўртасида обрў-эътибори ошиб бормоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири

АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Кишиларга меҳр-мурувват кўрсатиш республика касаба уюшмаларининг энг яхши анъаналаридан биридир. Жорий йилнинг мамлакатимизда «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинганлиги республикамиздаги энг оммавий жамоат ташкилоти олдига ҳам масъулиятли вазифалар қўйди.

Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган «Меҳр ва мурувват - қалб амри» мавзусида ўтказилган «давра суҳбати» қатнашчилари мана шу ҳақда атрофлича фикр алмашдилар. Унда «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви, «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши Маҳалла жамғармаси, республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раҳбарлари, тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг вилоят, шаҳар, туманлардаги вакиллари, бошланғич ташкилот етакчилари қатнашиб, давлат аҳамиятига молик тадбирни атрофлича ва салоҳиятли ўтказиш ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

- Ушбу анжуманни ўтказишдан мақсад жойлардаги кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган ёрдамни янада яхшилашдир, - деди тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши раиси Нурилла Ғиёсов мухбиримиз билан суҳбатда. - Ишонамизки, йўлбошчимиз бошлаб берган меҳр-мурувват ишлари барча жабҳаларга кенг кулоч ёзади.

(Ўз мухбиримиз)

СЕМИНАРЛАР САМАРАСИ

Пойтахтимизда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга доир касбий тайёргарликка талаблар таҳлилига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) томонидан молияланадиган ЗдравПлюс лойиҳаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда тиббиёт институтлари ўқитувчилари, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда таъкидланганидек, тиббий хизматлар сифатини ошириш дунёнинг кўплаб мамлакатлари соғлиқни сақлаш тизимининг устувор вазифасига айланди. Чунки аҳоли саломатлиги мижозларга кўрсатилаётган ёрдам қанчалик самарали, камхарж ва хавфсиз бўлишига боғлиқ.

Семинар иштирокчилари ЗдравПлюс лойиҳаси ходимлари томонидан Фарғона вилояти Тошлоқ туманида гипертония хасталигига чалинган, яъни қон босими юқори бўлган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Таъкидлаш керакки, қишлоқ врачлик пунктлари ва шифохоналар тиббий ходимлари учун ўтган йилнинг январидан бошлаб гипертония бўйича семинарлар босқичма-босқич ўтказилган эди. Бугунги кунга келиб қон босими юқори бўлган беморларни даволаш самарадорлиги анча яхшиланди.

Наманган вилоят марказини Чортоқ ва Янгиқўрғон туманлари марказлари билан боғлайдиган автомобил йўли таъмирга муҳтож эди. Шимолий Фарғона канали устидан ўтган кўприкнинг ҳолати ҳайдовчи ва пиёдаларга, айниқса кўп ноқулайлик туғдирарди.

ЙЎЛСОЗЛАР НИЯТИ

Бугунги кунда Наманган-Нанай автомобил йўлида таъмирлаш-қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Аҳолининг талабини инобатга олиб, «Наманганавтойўл» қурувчилари йўлни тўлиқ таъмирлаш ва янги кўприк қурилишини бошлаб юборди.

Лойиҳага кўра, кўприк замонавий кўприксозлик андозалари асосида бунёд этилмоқда. Янги кўприкнинг қатнов қисми автомобиллар учун мўлжалланган олтита йўлдан иборат бўлади, пиёдалар учун махсус йўлкалар қолдирилади.

Кўприк қурилишига 350 миллион сўм капитал маблағ сарфлаш режалаштирилган. Йўлсозлар янги иншоотни жорий йилнинг иккинчи чорагидаёқ фойдаланишга топшириш ниятида.

(ЎзА)

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳаки ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш йўлида кўрилган муҳим чоралардан биридир. Мазкур қарорда иш ҳаки ўз вақтида тўланиши учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

ДАЪВО АРИЗАЛАРИ КИРИТИЛДИ

Маълумки 2002 йилнинг октябридан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтирилган маблағларни давлат томонидан тартибга солиб туриш бекор қилинди. Бу билан ишчи кучи нархини белгилашда жамоа шартномалари асосида келишиб олиш имконияти туғилди.

Шу боис Жиззах вилоятидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда муддати ўтган иш ҳақидан қарздорлик бўйича иш берувчилар жавобгарлигини ошириш масалаларига касаба уюшмалари жиддий эътибор қаратмоқда. Натижада раҳбарлар билан биргаликда қўшма қарорлар қабул қилинди.

Айни чоғда касаба уюшма органлари томонидан кечиктирилган иш ҳаки тўловларини ундириш борасида маҳаллий ҳокимият, прокуратура, банк муассасалари ҳамда иш берувчиларга тақдимномалар киритиш, талаблар қўйиш, суд органларига даъво аризалари киритиш амалиёти қўлланиб келинмоқда.

Бу борада таълим ва фан, агоросаноат мажмуи, ёқилғи-энергетика ходимлари касаба уюшма қўмиталари фаоллик кўрсатмоқда. 2002 йил давомида касаба уюшма томонидан иш берувчилар ва ижро ҳокимият органлари олдига 40 дан зиёд расмий талабномалар қўйилди. Ўтган йил давомида бундай талабномалар сони бирмунча кўпайиб, ушбу масала касаба уюшмалари йиғилишларида муҳокама қилиб борилди. Сўнгги икки йил давомида суд ва прокуратура органларига 20 дан ортиқ даъво аризалари киритилди.

Касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг қарорига кўра корхона, ташкилот, муассаса, хўжалик ва бирлашмаларда иш ҳақини ўз вақтида тўлашни назорат қилиб бориш комиссияси ташкил этилди. Мазкур комиссия иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик тўғрисида маълумот тўплаб, таҳлил этиб борди. Касаба уюшмаларининг энг асосий қуроли жамоа шартномасидир. Бугунги кунда вилоят касаба уюшмалари тасарруфида турган 1011 та юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналарнинг 901 тасида жамоа шартномалари, 1 та вилоят миқёсидаги ҳудудий, 22 та тармоқ келишувлари, 12 та туман миқёсидаги ҳудудий, 13 та тармоқ битимлари тузилган. Улар орқали 224 минг 561 ходимнинг бандлик, иш ҳаки ва меҳнат муҳофазасига оид ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатлари қамраб олинган.

Айрим жамоа келишувлари ҳамда аксарият жамоа шартномаларида иш ҳаки тўлаш муддатлари кечиктирилганлик учун иш берувчиларнинг моддий жавобгарлиги белгиланмаган. АСМ ходимлари тармоқ қўмитасининг Дўстлик, Пахтакор, Бахмал туман касаба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгашлари шулар жумласидандир.

«Жиззахсувоқава» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, вилоят коммунал хизмат бирлашмаси, «Дўстликдонмаҳсулотлари», «Дўстлик пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятлари жамоа шартномаларида меҳнатга ҳақ тўлашга оид бандлар касаба уюшма кўмиталари билан келишиб олинмаган.

Иш ҳақини товарлар шаклида ходимнинг ёзма аризасига кўра шартномавий нархларда берилиши рухсат этилган бўлсада, Дўстлик, Жиззах дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятларида жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. «Дўстлик пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятида эса ходимларга маҳсулот савдодагига нисбатан юқори нархларда тарқатилмоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

КАСАБА УЮШМА КЎМАГИ БИЛАН

хабарчи ишга тикланди

Музробод почта алоқа филиалининг «Бешқўтон» алоқа бўлими хабарчиси М.Дукова ўтган йилнинг 11 октябр куни филиал директори А.Жўраев буйруғига асосан ишдан бўшатилди.

Ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ўз вазифасидан озод этилган ходим бунинг сабабини сўраб филиал раҳбарига мурожаат қилди. Бироқ директор М.Дукованинг арз-додини тинглашни ҳам истамади. Қонуний ҳуқуқлари топталган ходим шундан сўнг касаба уюшмалари вилоят Кенгашига адолатни қарор топтиришда кўмак беришларини сўраб шикоят хати ёзди. Шикоят-ариза малакали мутахассислар томонидан синчиклаб ўрганилди. Маълум бўлишича, алоқа бўлими хабарчиси М.Дуковани ишдан бўшатишда тумандаги «Янгиобод» жамоа хўжалиги 2-бўлимида истиқомат қилувчи пенсионер Ойсоат Буранованинг 10768 сўм нафақа пулини бермасдан, тўлов топшириқномасини ўзлаштирганлик асос қилиб олинади. Қарангки, аслида О.Буранова ўз нафақасини 2003 йилнинг 6 августида олган. Пенсионер бу ҳақда «Сурхондарёпочтаси» акциядорлик компанияси раиси М.Маматқулов номига ёзган хатида маълум қилган. Боз устида, юқоридаги айбнома тўғрисида М.Дуковага умуман хабар берилмаган. Туман почта алоқа филиали раҳбарияти яна бир ноқонунийликка йўл қўйган. Яъни, ходимнинг меҳнат дафтарчаси бўлимда шу йилнинг 8 январ кунига қадар сақланиб келган бўлсада, иш ҳаки учун ҳисоб-китоб қилиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган.

Юқоридагиларга асосланиб, «Бешқўтон» алоқа бўлими хабарчиси М.Дукова ўз вазифасидан ноқонуний бўшатилган деб топилди. Унга мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳаки тўланадиган бўлинди. Хуллас, касаба уюшмалари кўмаги билан ҳақ жойида қарор топиб, адолат тантана қилди.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ишонч» мухбири

Чемпионларимиз

АЛИНИНГ МАЙДОНИДА

алпкелбат полвон

Мардлик-матонат майдони элнинг асл ўғлонларини курашга чорлайди. Алпкелбат полвонлар аввало орият, сўнг зафарга эришмоқ учун мардона бел олишади. Эл мардлик, халолликни оқлайди, ғирромликни билмайдиган мард курашчини «Балли, полвон, кўп яша!», «Отангга раҳмат, ўғлон!», дея олкишлайди. Ҳа, азалий бақувват илдизга эга бўлган курашимиз бугун миллат фахри, ифтихорига айланган. Зотан, бугун Алпомишсифат полвонларимиз жаҳон узра курашнинг бор сехру жозибасини кўз-кўз этишмоқда.

Дарвоқе, полвонлик қонда бўлади, дейдилар. Бу гапда жон бор, албатта. Зеро, моҳир курашчи бўлишда оилавий муҳит ҳам катта рол ўйнайди. Бугун юрт шарафини муносиб ҳимоя қилаётган шаҳрихонлик белбоғли кураш устаси Шавкат Насибуллаев ҳам полвонлар оиласида ўсди-улғайди, камолга етди.

– Тумандаги 14-мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ спортнинг бир неча турларига бирдек қизиқар эдим, – дея эслайди у. – Шунинг учун ҳам ҳамма спорт тўгаракларига қатнардим. Кечагидек эсимда: бир куни Аҳмад Мамербеков деган курашчи ўқитувчимиз ёнига чақириб олиб, тенгдошим билан олиштириб кўрди. Сўнг елкамга қоқиб, «Сендан зўр полвон чиқади», деб кўнглимни тоғдек кўтарди. Шу-шу курашга меҳр қўйдим.

Бу иштиёқ, меҳр уни аввал тўй курашларига, сўнг туман, вилоят миқёсидаги расмий мусобақалар сари бошлади. Андижон Давлат университетининг жисмоний тарбия факультетида таҳсил олаётган вақтида «Универсиада» баҳсларида муваффақиятли қатнашди. Аста-секин маҳоратини сайқал топтириб борган Шавкат полвон 1996 йили буюк бобокалонимиз Бобур хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда ўз вазнида ғолиб бўлди. Орадан бир йил ўтгач, Тошкент вилоятининг Паркент туманида ташкил этилган яна бир нуфузли мусобақа – халқаро турнирда шоҳсупага кўтарилди. 1999-2000 йиллар қаҳрамонимиз учун, айниқса омадли келди. Бошқача қилиб айтганда, тинимсиз машғулотлар, изланиш, ғалабага бўлган иштиёқ-интилиш ўз сўзини айтди: полвон кетма-кет икки маротаба белбоғли кураш бўйича мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.



Ғалаба янги зафарлар сари чорлайди. Кураш ихлосмандлари ишончини қозонган полвон республикамизнинг кўзга кўринган моҳир курашчилари билан бел олишиб, зафарларга эриша бошлади. 2001 йили мамлакат чемпионатининг мутлоқ ғолиби, деган шарафли номга муносиб кўрилди. Шунингдек, Наманган шаҳри ҳамда Россия ва Қирғизистон республикаларида бўлиб ўтган халқаро турнирларда ҳам унинг кўксини мусобақанинг олтин ва кумуш медаллари безади.

– 2002 йилнинг бошларида республика ва халқаро миқёсдаги иккита мусобақада ғолибликка эришганимдан сўнг бироз ҳордиқ чиқаришга қарор қилдим. Чунки кетма-кет ўтказилган беллашувлар мени анча толиқтирган эди, – дейди полвон. – Ўтган йилнинг 8-9 август кунлари Тошкентда машҳур курашчи Аҳмад полвон хотира турнири ташкиллаштирилди. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти ташаббуси билан ўтказилган ушбу мусобақада мамлакатимизнинг энг зўр полвонлари иштирок этди. Ана шундай нуфузли баҳсда омад мен томонда бўлди. Мутлоқ вазн тоифасида гиламга тушиб, мухлислар олқиши, мутахассислар эътирофига сазовор бўлдим.

– Таниқли курашчи, қоларверса, мутахассис сифатида миллий спорт турларимиз, жумладан белбоғли курашни янада оммалаштириш, ривожлантириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблайсиз? – сўраймиз ундан.

– Ҳозирги пайтда республикамизнинг барча жойларида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари оммавийлигини таъминлаш учун катта қўламдаги ишлар қилинаяпти. Жумладан, белбоғли кураш бўйича ҳам кўплаб мусобақалар ўтказиляпти, секция ва тўгаракларда минглаб ёшлар шуғулланяпти. Масалан, ҳар йили Президент соврини учун халқаро турнир зўр муваффақият билан ташкил этилмоқда. Ўтган йили бу мусобақада ўндан ортиқ мамлакатлардан келган полвонлар ғолиблик учун кураш олиб борди.

Белбоғли курашни янада ривожлантириш учун эса маҳаллаларда, қишлоқларда, билим даргоҳларида болалар ва ўсмир ёшлар ўртасида тез-тез беллашувлар ташкил этиш лозим. Бундай мусобақалар кўпроқ ўқувчиларнинг ёзги таътили вақтида, дам олиш кунларида ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, ушбу спорт тури бўйича ўтказилаётган халқаро турнирлар сонини ҳам ошириш лозим. Чунки бу унинг жаҳон спорт майдонига чиқишини янада тезлаштиради.

– Кейинги йилларда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш мақсадида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда...

– Чиндан ҳам муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан бу борада бемисл ишлар амалга ошириляпти. Жойларда янги спорт иншоотлари фойдаланишга топширилянти. Туманимизда ҳам барча шароитларга эга янги-янги спорт масканлари ўғил-қизларни ўз бағрига олмоқда. Яқиндагина марказий ўйингоҳ сифатли таъмирдан чиқарилиб, етарлича қулайликлар яратилди. Яқин 1-2 йил ичида эса Навоий ва Саримсоқов номли ширкат хўжаликларида замонавий болалар спорт мажмуаларини бунёд этиш режалаштирилган.

Яна бир янгилик. Туман маданият боғида 2 минг ўринли кураш ўйингоҳи қуришни кўзлаб турибмиз. Бу ташаббус мутасаддилар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Кези келганда таъкидлаш лозимки, болалар спортини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган бу хайрли тадбирлар эртага албатта ўз мевасини беради. Мен бунга ишонаман.

...Шавкат полвон даврани олқишларга тўлдириб бел олишади. Ўзида мардлик, матонат, ҳалолликни мужассам этиб кураш тушади. Ўзбекнинг ори учун, шону шуҳрати учун...

К.АБДУЛЛАЕВ

Чиниқиш сабоғи

Хозирги кунда спорт, хусусан болалар спорти давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги бежиз эмас. Бинобарин, бу саъй-харакатлар замирида эзгу мақсад мужассам. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, соғлом авлодни тарбиялаш, буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир.

СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

АНДИЖОН

Вилоятимизда болалар спортини янги босқичга кўтаришда катта имкониятлар мавжуд. Буни спортнинг моддий-техника базаси салоҳияти ҳам кўрсатиб турибди. Ўтган йили Марказий Осиёда ягона бўлган Олимпия заҳиралари спорт коллежининг ишга туширилиши андижонликларнинг спортга ҳавас ва интилиши беқиёслигини намоён этди. Айни вақтда 26 та ўйингоҳ, 83 та теннис корти, 538 та спорт зали, 420 та тир, 34 та сузиш ҳавзаси, 1216 та волейбол, 635 та футбол майдончаси спортчилар ихтиёрида.

Эндиликда бошқа соҳалар каби спорт йўналишида ҳам мактаб яратилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Шу мақсадда вилоят ҳокимлиги ўтган йили шаҳар ва туманларда узлуксиз спорт тизимини яратиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан болалар спорти ривожини таъминлаш мақсадида дастур ишлаб чиқилиб, доимий назорат ўрнатилди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар бесамар кетмаётир: ўғил-қизларимиз республика ва халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллашмоқда. Биргина «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг вилоят беллашувларида 3 мингга яқин ўқувчи ёшлар иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида Андижон шаҳрилик ўқувчилар биринчи ўринга мушарраф бўлди. Мусобақанинг республика босқичида эса 6 та олтин, 8 та кумуш, 41 та бронза медали қўлга киритилди.

Андижон шаҳридаги БЎСМ талабаси Ирина Морозни бутун республика танийди. У «Умид ниҳоллари» баҳсларида 1,5 минг ҳамда 800 метрга югуришда финиш чизиғини биринчи бўлиб босиб ўтиб, бир йўла 2 та олтин медалга эришди. 2002 йилнинг март ойида Ирландияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Ирина Ўзбекистон номини курраи заминга овоза қилди. Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари ёшларининг мусобақаларида Фарғонада ўтказилган ёш теннисчиларнинг очиқ турнири ҳамон томошабинларнинг ёдида. 1985-1990 йилларда туғилган қизлар ўртасидаги мусобақаларда андижонлик Мазлума Турдиева мусобақа маликасига айланди.

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, ўқувчиларимиз ўртасида белбоғли курашга интилиш ниҳоятда кучли. Зеро, курашнинг маънавий ва жисмоний тобланишдаги ўрни беқиёс. Жаҳон Рустами достонлар, Алпомишлар тимсолида ўзбекнинг тантилиги, жўмардлиги, бағрикенглигини таниган. Тумандаги 5-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Рустам Мирзаматов 55 килограмм вазнлилар гуруҳида «Умид ниҳоллари» мусобақасида гиламга тушди. Моҳирлик билан усул қўллаб, рақибининг курагини гиламга теккизганда, томошабинлар вилоятда яна бир иқтидорли паҳлавон етишаётганлигининг гувоҳи бўлишди.

Ҳам спортчи қизимиз шоҳсупага кўтарилди. Ўтган йили ноябр ойида Фарғонада ўтказилган ёш теннисчиларнинг очиқ турнири ҳамон томошабинларнинг ёдида. 1985-1990 йилларда туғилган қизлар ўртасидаги мусобақаларда андижонлик Мазлума Турдиева мусобақа маликасига айланди.

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, ўқувчиларимиз ўртасида белбоғли курашга интилиш ниҳоятда кучли. Зеро, курашнинг маънавий ва жисмоний тобланишдаги ўрни беқиёс. Жаҳон Рустами достонлар, Алпомишлар тимсолида ўзбекнинг тантилиги, жўмардлиги, бағрикенглигини таниган. Тумандаги 5-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Рустам Мирзаматов 55 килограмм вазнлилар гуруҳида «Умид ниҳоллари» мусобақасида гиламга тушди. Моҳирлик билан усул қўллаб, рақибининг курагини гиламга теккизганда, томошабинлар вилоятда яна бир иқтидорли паҳлавон етишаётганлигининг гувоҳи бўлишди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси болалар спорти ишларини йўлга қўйишда турли жамоат ташкилотлари кўмагига таянмоқда. Айниқса, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорлик иқтидорли ёшларни спортга жалб этишда муҳим омил бўлмоқда. Чунки ҳамкорликда ташкил этилаётган оилавий мусобақалар, турнирлар, кўрик-танловлар ёшларимизнинг спортга қизиқишини оширмоқда. Кейинги йилларда шу йўл билан 50 нафар спорт устаси, 200 нафарга яқин усталикка номзод, 1000 нафардан зиёд биринчи даражали спортчилар тайёрланди. 40 мингга яқин ўқувчилар «Алпомиш» ва «Барчиной» тест синовларини муваффақиятли топширди. Ҳозирги вақтда 100 нафардан кўпроқ спортчи ёшларимиз Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси ёки аъзолигига номзоддир.

Иқтидорлиларни танлаш ва тарбиялаш диққат-марказимизда. Мавжуд 48 та БЎСМда спортнинг 30 та тури бўйича ўтказилаётган машғулотларда 30 мингга яқин иқтидорли ўғил-қиз жисмоний чиниқиш сабоғини оляпти. Улар Муҳамадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Сергей Михайлов сингари спорт юлдузларининг издошларидир.

Ўктамжон ОХУНОВ,
вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи

«ҚУШБЕГИ»НИНГ ШАҲДАМ ОДИМИ

Лавҳа

«Иттифоқ» маҳалласилик ўсмир Озоджоннинг кейинги пайтлардаги юриш-туриши Азизбек Умаровнинг кўнглига ўтирмади. Бир гал билярдхонада ким биландир ёқалашаётганда орага тушиб «жўжахўрозлар»ни яраштириб қўйганди. Бошқа сафар суҳбатдошининг юзига папирос тутунини пуфлаб тегажоғлиқ қилаётганида тартибга чақирди. Чойхонадаги ширакайф «кунда-шунда»ларга дастёрлик қилиши эса ҳаммасидан ошиб тушди. Дўкондан уларга ароқ олиб келаётган Озоджонни тўхтатди. Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш тақиқланганлиги, бу фуқароларнинг осойишталигини бузишга олиб келишини ётиғи билан тушунтирди.

Нозир маҳалла фуқаролар йиғинига бора-боргунча чуқур ўйга толди. Бола бошидан деганларидек, Озоджоннинг ножўя қилиқлари олди олинмаса, охири бахайр бўлмаслигини кўнглидан ўтказди. Оқсоқол Абдумажид Ҳасанов қишлоқ милиция таянч пункти нозири Авазбекни илиқ қарши олди. Кўпни кўрган эмасми, А.Умаровни нимадир қийнаётганлигини пайқади. Кўнглига қўл солди. Бирдан нозирнинг юзлари ёришиб кетди. Оқсоқол ўсмирни Қалантаров номли 31-мактабда очилган «Қушбеги» клуби машғулотларига қатнаштириш таклифини ўртага ташлаган эди.

...Мураббий Санжарбек Бегматов кўча чангитиб юрган Озоджонни спортга қизиқтиришда озмунча тер тўкмади. Бола-болада! Бирда рингда, машқ пайтида шундай воқеа юз берди. Рақибнинг ногаҳон оёқ силташидан Озоджоннинг энгагига кучли зарб келиб тушди. Кўз олди қоронғилашиб чўккалаб қолди. Аслини олганда, бу машқларда бўлиб турадиган одатий ҳол. Аммо шогирдга оғир ботди. Ўзига келгач, кийим-бошларини йиғиштиришга тушди. Дониёрбек спортда чидам, матонат зарурлигини, йиғитлик ғурурини сақлаши лозимлигини уқтирди. Барибир Озоджон спорт залини ташлаб чиқиб кетди.

Мураббий туни билан ўйланиб чиқди. Эрталаб келса, остонада Озоджон турибди. Санжар биров шаҳар бергандек ўзида йўқ қувониб кетди. Ўсмирни бағрига босди. Озоджон кейинчалик устозининг дашномлари уйқу бермаганини, бирodарлари юзига қандай қарашини кўз олдидан ўтказганини гапирib берди. Хулласи, у кик-боксга ихлос қўйди. Туман, вилоят мусобақаларида ўз вазни бўйича яхши натижаларга эришди. Ўрта мактабни тугаллаб, касб-ҳунар коллежига ўқишга киришда ҳам спорт асқотди. Танловда юқори балл тўплаб, талабалар сафидан жой олди.

«Қушбеги» клуби кўплаб ойимқишлоқлик ёшлар учун чиниқиш, маҳорат мактаби. Унга қишлоқ болалар спортининг жонкуяри Муталлиб Бегматов ишбошилик қилади. Дастлаб 5-6 нафар ёш жалб қилинган, бор-йўғи бокс секциясигина иш олиб борарди. Спорт зали ҳам ғариб бўлиб, жиҳозлар етишмасди. Ўғиллари Санжар, Нодир, Дониёр ўзи каби спорт жонкуяри, соҳа мутахассиси бўлиб етишгач, оталари ёнига киришди.

Муталлиб Қалантаров номли мактабда 35 йилдан буён дарс бериб келади. Замонавий спорт базаси, юрагида ўти бор ёшларга эга бўлмай туриб,муваффақиятга эришиш мушкул эканлигини ўз бошидан ўтказган. Зални таъмирлаш, янги жиҳозлар харид қилиш баҳонасида мактаб директори, туман халқ маорифи бўлимидагилар билан «қизаришган» кунлари кўп бўлган. Хулласки, нажот бўлавермагач, бир куни туман ҳокими Манзурахон Эгамова қабулига кирди. Молиявий муаммо бу ерда ҳам кўндаланг турарди. Ҳокима ҳузуридан ҳеч кимни ноумид қайтармаганди. Ота-бола спортчиларга ҳудуддаги «Ойим» ширкат хўжалигидан ижарага ер ажратилишига кўмаклашди. Муталлиб машғулотлар тугаши билан фарзандлари билан далага, ижарадаги экинзорга йўл олди. Остида, ўзининг тили билан айтганда, «дулдули» – уринган велосипеди билан бир оёғи мактабда бир оёғи далада бўлди. Меҳнат самарасиз кетмади. Бегматовлар 6,5 гектар майдондан 21,5 тонна буғдой, 25 тонна пахта сотиб шартнома мажбуриятини қойиллатдилар. Томорқадаги 13 сотих шолипояда 1 тоннага яқин шоли етиштирилди. Шоли обжувоздан чиққач, оилага 700 килограмм гуруч кирим бўлганлиги ойдинлашди. Бу 400 минг сўм даромад дегани эди.

Оила аъзолари кенгашиб, топилган даромадга зални жиҳозлаш учун спорт анжомлари сотиб оладиган бўлишди. Кейинги уч йил мобайнида шахсий жамғарма ҳисобидан миллион сўмлик спорт анжомлари – футбол, волейбол тўплари, гантел, бокс қопи ва қўлқоплари, шунингдек, ринг жиҳозлари сотиб олиниб, мактабнинг моддий-техника базаси бутланди.

Кейинги пайтларда мактабнинг бокс бўйича секциясида 100 нафарга яқин қишлоқ ўсмирлари шуғулана бошлади. Секцияга аъзо бўлишни хоҳловчилар сони орта бошлади. Натижада спорт зали торлик қила бошлади. Бунда ҳам туман ҳокимлиги кўмакка келди. 300 ўринли клуб биноси ёш спортчилар ихтиёрига берилди. Айни пайтда бу ерда боксдан ташқари тайбокс, кик-бокс секциялари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Эндиликда ойимқишлоқ боксчиларининг донғи бутун республикага ёйилган. Уларнинг аксарияти «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг ғолибларидир. Тайбокс бўйича 27 нафар Ўзбекистон чемпиони етишиб чиқди. 31-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Суҳроб Обидов 2002-2003 йилларда пойтахтда ўтказилган тайбоксчилар мусобақасида уч марта республика чемпиони бўлди. Абдураҳим Нуриддинов Суҳробнинг мактабдоши. Кик-боксчилар ўртасида ўз вазнида унга тенг келадиган рақиб ҳозирча йўқ. Чунки у рингдаги ҳужумкорлиги билан ишқибозларга танилган. 2002 йили Самарқандда ўтказилган тайбоксчилар беллашуви ойимқишлоқлик спортчилар умидли ёшлар эканлигини овоза қилди. Клубнинг 8 нафар аъзоси тенгдошларини мағлуб этиб, республика чемпиони нишони билан тақдирланди.

Куни кеча спортчилар сулоласи бошлиғи Муталлиб Бегматовни учратиб қолдик. Юзларида хуш кайфият зухурланган, қувончдан кўзлари порларди. Хонасига бошлаб, столга ишора қилди. Қизил лентаналарга боғланган қўша-қўша медалларга кўзимиз тушди. Билсак, боксчилар клуби жамоаси Пахтаободда туман прокуратураси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими томонидан уюштирилган халқаро кик-бокс турниридан қайтишган, ойимқишлоқлик спортчилар 27 та медал соҳиби бўлишган экан. Кўп ўтмай, бундан-да ёқимли муждадан хабар топдик. Клубга Туркманистон чегарасидаги чегара қисмидан мактуб келибди. Қўмондонлик клубнинг собиқ аъзоси Яҳё Ёқубов юртимизга ёмон ниятда ўтмоқчи бўлган бошибузуқлар билан олишувда жасорат кўрсатиб, тақдирланганлиги хабарини етказган эди.

Р.СОБИРОВ

Ибрат

Туманимизни катта спорт майдонига киёслаш мумкин. Зеро, маҳаллаларимиздаги ўйингоҳларда ёзинқишин тўп сураётган болакайларни учратасиз. Ўқувчиларнинг дарсдан сўнг спорт зали ёки бирон-бир мусобақага ошиқаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

ШАНБАЛИКДА

кўнгилдаги армонлар ўз ечимини топди

Фарзандларимизни соғлом, бардам-бақувват, маънавий баркамол кишилар қилиб вояга етказиш давлат аҳамиятига молик масалага айланган. Мақсадга эришиш юзасидан туманда истиқболли дастур тузилиб, ижросини изчиллик билан назорат қилиб боряпмиз.

Қаердаки кўнгилдагидек жиҳозланган спорт иншоотларида фидойи мураббийлар иш юритаётган бўлса, ўша жойда мухлислар бисёр. Айтмоқчимизки, оммавийлик спортнинг моддий-техника базаси нечоғлик мустаҳкамлигига боғлиқ. Сўнгги бир йилдан ортиқроқ вақт ичида мавжуд 44 та спорт зали, 2 та сузиш ҳавзаси, 61 та баскетбол, 77 та волейбол, 17 та қўл тўпи ва 39 та футбол майдончалари, 8 та теннис корти сифатли таъмирдан чиқарилди.

Ибратли бир ҳолатга алоҳида тўхталмоқчиман. Туманнинг энг чекка ҳудудларидан бири - «Машъал» ширкат хўжалиги раиси Мўминжон Каримов ҳокимликка янги ташаббус билан кириб келди. Мулоқотда 3 минг ўринли футбол ўйингоҳи қуриш истаги билдирилди. Хуллас, хайрли ташаббус қўллаб-қувватланди: замонавий спорт иншооти бунёд этиш ҳақида маслаҳатлар берилди, мутасадди ташкилотлар биркитилиб, қурилишни лойиҳалаштириш юзасидан тажрибали мутахассислар жалб этилди. Шу кунларда бунёдкорлик ишлари қизғин олиб бориляпти.



Ҳар бир юмушда бугунни эмас, эртани кўзлаб ишлаганлар ютади. Аҳолимизнинг аксарияти қишлоқларда яшайди. Қишлоқ боласи рўзғор, оила юмушларидан кейин ёки мактабдан қайтгач, тўп суриб, шоҳмотда ақлини чархлаб, боксга ёки курашга тушиб шаҳарликлардек мазмунли дам олиш, соғлом бўлишга интилади. Олис қишлоқлар, мактаблардаги спорт иншоотларини янгилашга астойдил киришаётганлигимизнинг сабаби шундан. Бунда халқаро ташкилотларнинг инсонпарварлик ёрдамлари самарали бўляпти. Муҳими, спорт тизимимиз жаҳон андозаларига уйғунлашиб бормоқда. Масалан, 2 та мактаб спорт заллари АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси сармояси кўмагида замонавий ускуналар, анжомлар билан қайта жиҳозланди. 18-, 43-умумтаълим мактабларининг спорт залларига ҳам ҳавасингиз келади. Улар Осиё тараққиёт банки гранти асосида янги спорт жиҳозлари билан таъминланди. Натижада қишлоқ болалари ёзинқишин машқ залларида спорт билан узлуксиз шуғулланишлари учун шароит яратилди. 42-ўрта мактаб ўқувчи ёшларининг ҳам қувончи чексиз. Чунки бу ерда Япония элчихонасининг молиявий ёрдами билан спорт иншооти янгиланди.

Эътиборлиси, 10 та қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳашар йўли билан болаларбоп спорт секциялари, ўйингоҳлар, майдончалар ташкил этилди. Шу кунларда қишлоқларимизда 60 мингдан зиёд ўсмир спортнинг 20 тури билан фаол шуғулланмоқда. Бўрибош қишлоғида Акмалжон Тўланов мураббийлигида стол тенниси секцияси мунтазам ишлаб турибди. «Кўтарма» маҳалласида ўтказилган шанбаликда спорт зали қурилди. Спорт жонкуяри Тўлаган Эргашев 25 нафар ўсмирни ёнига олиб, кик-бокс сирларини ўргатмоқда. «Тўлғон» маҳалласида янги ташкил топган эркин кураш секциясининг полвонлари туман мусобақаларида оғизга тушяпти. Мураббий Ш.Матазимов устозлигидан 10 нафар бўлажак паҳлавонлар эркин, юнон-рум курашидан сабоқ олмоқда.

Обод маҳалла йилида бўлиб ўтган оилавий мусобақаларда вилоятда марҳаматликларнинг олдига тушадиган бўлмади. «Истиқлол» ширкат хўжалиги ишчиси Юсуфжон Отахоновлар хонадони вилоят шашкачилари ўртасида қўли баланд келди. Қорақўрғон қишлоғида Муҳаммаджон Мажидовлар оиласи маҳалладошлари орасида шоҳмотни оммалаштиришда хайрли ишларни амалга оширишмоқда. Муҳаммаджон ака фарзандларинигина эмас, қишлоқдаги шоҳмотга ишқибоз ўсмирларни ҳам ўз бағрига олган. Шоҳмот секциясида 20 нафар бола дона суряпти. Бир сўз билан айтганда, маҳаллаларимиз чиниқиш ошиёнига айланиб бормоқда.

Эркин МАЖИДОВ,
Марҳамат туман ҳокими ўринбосари

АСАКАЛИКЛАР ЗАФАР ҚУЧДИ

Тадбир

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси ҳамда жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошкаруви ҳамкорлигида ширкат хўжаликлари жамоалари ўртасида «Ок олтин» кубоги учун футбол бўйича мусобакалари бўлиб ўтди.

14 туман жамоаси тўрт гуруҳга бўлиниб ғолиблик учун баҳс олиб бордилар. Олтинкўл, Бўз, Жалақудуқ, Асака туманлари жамоалари беллашувга пухта ҳозирлик кўришганлиги боис ўз гуруҳларида ғолибликни қўлга киритиб, ярим финал йўлланмасига эга бўлишди. Ярим финалда рақибларидан сезиларли тарзда устунликка эришган Олтинкўл ва Асака туман жамоалари ҳал қилувчи ўйинда рўбарў келишди. Қизиқарли ўтган учрашувда асакалик футболчилар 5:3 ҳисобида зафар қучдилар.

Шундай қилиб бир ойга яқин давом этган баҳслардан сўнг ғолиб ва совриндор жамоалар номи маълум бўлди. Асака тумани жамоасига биринчи, Олтинкўл ҳамда жалақудуқликларга иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди. Уларга агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси таъсис этган мукофотлар топширилди.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, Асака туманидаги Бобур номли ширкат хўжалиги бошқаруви раҳбарияти ўз футбол жамоасига барча шарт-шароитларни яратиб берди. Шу боис ҳам жамоа туман шарафини муносиб ҳимоя қилди. Яна бир гап. Ҳозирда Бобур номли ширкат хўжалиги бошқаруви саъй-ҳаракати билан бу ерда 15 минг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион ҳашар йўли билан барпо этилмоқда. Спорт иншооти ишга тушгач, хўжалик футбол жамоаси вилоят ички чемпионатида қатнашади.

Баҳромжон ЗОКИРЖОНОВ

Саҳифани «Ишонч» мухбирлари С.РЎЗИМАТОВ ва К.ОЛЛОЁРОВ тайёрлади

Бойчечак

Сурайё Ибодуллаева 1986 йилда Қўшқўпир туманидаги Довуд қишлоғида туғилган. Мактаб фидойи ёшлар уюшмаси раиси. Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Ўйла, изла, топ (7х7)» кўрсатувининг 1-даражали дипломи соҳибаси. Сурайё ёшлигидан назмга ошно. Вилоят ва туман газеталарида қатор шеърлари чиққан. «Нафосат» деб номланувчи илк тўплами нашрдан чиқиш арафасида.

СОҲИБИ ИҚБОЛ

Асрлар қаъридан унди истиқлол,
Атрини таратди ифорли гулдек,
Халқим бир умрга соҳиби иқбол,
Элим деб, юртим деб яшайди ўзбек.

Истиқлол барқ урган ушбу замонда,
Орзулар узукка қўйилган кўздек,
Оқамиз беғубор жўшқин уммонда,
Элим деб, юртим деб яшайди ўзбек.

Лоқайдлик, қўрқоқлик энди бизга ёт,
Энди ўзимизга ўзимизмиз бек,
Нурли манзилларга чоптирамиз от,
Элим деб, юртим деб яшайди ўзбек.

Тангрим йўлларини қилади ёруғ,
Мангу юксаклигин сақлар ёғдудек,
Мен эркин қуш дея солади довруғ,
Элим деб, юртим деб яшайди ўзбек.

ЭЗГУ НИЯТ

Мен шоир эмасман, табиат шоир,
Ёзажак қаламин тутгим келади,
Тоғларнинг ортига ботган қуёшдек
Осмонларга сингиб кетгим келади.

Мен шоир эмасман, халқимдир шоир,
Мен унинг бир парча юраги холос,
Баҳорда ғунчаман, кузда атирман,
Қишимиз ҳам илиқ, феълимизга мос.

Мен шоир эмасман, муҳаббат шоир,
Мен унинг ошноси бўлгим келади,
Муҳаббат бахтига эришганларнинг
Кўнглида чашмадек тўлгим келади,

Мен шоир эмасман, ватаним шоир,
Унинг гўзаллигин куйлагум яккаш.
Осори-атиқа, обидаларин
Достонларга тизиб мангуга алқаш.

Сурайё ИБОДУЛЛАЕВА

МАКТАБДА ДЕМОКРАТИЯ ДАРСИ

Наманган вилояти мактабларида «Интернет Ўзбекистон мактабларида» халқаро дастури бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Ушбу дастур АҚШ Давлат департаментининг таълим ва маданият масалалари бюроси томонидан молияланиб, Халқаро тадқиқотлар ва алмашувлар бўйича кенгаш раҳбарлигида /IREX/ амалга оширилмоқда. Тошкентдаги ижтимоий маърифат маркази ходимлари Наманган вилояти мактабларида бу дастур бўйича тренерлик қилмоқда.

Намангандаги аниқ ва ижтимоий фанлар мактаб-интернатида Америка-Ўзбекистон дастури семинарларидан бири бўлиб ўтди. Ушбу семинар «Мактабда демократияни ўргатиш услубияти» мавзусига бағишланган бўлиб, тарих, ҳуқуқ асослари ва бошқа ижтимоий фанларни ўқитишнинг турли жиҳатларини очиб берди. Тадбирда вилоятдаги қатор мактаб ўқитувчилари ўқитишнинг илғор услублари билан танишди.

- Бу каби тренинглар биринчи марта ўтказилаётгани йўқ, - дейди «Интернет Ўзбекистон мактабларида» дастурининг минтақавий мувофиқлаштирувчиси М.Шарипова. - Жорий ўқув йилида вилоятдаги мактаблар ўқитувчилари Интернет-лойиҳалар билан ишлаш, уларни мактаб педагогика амалиётига жорий этиш бўйича зарур кўникмаларга эга бўлди. Интерактив ўқитиш услублари ўқитувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ўқувчилар билан мулоқот ўрнатиш ва уларни ўқув жараёнига қизиқтиришга ёрдам беради.

Хотира уйғонса гўзалдир

Бетакрор тасвир устаси Ўрол Тансиқбоев яратган дурдона асарлар миллий мусаввирчилигимиз хазинасини безаб турибди. Юксак истеъдод кучи билан юзага келган суратлар ўзининг умрбокий ҳаётини давом эттирмоқда. Бекиёс жозиба ва нихоятда теранлик касб этган ифодалар рассомнинг тасаввур олами ҳайратланарли қудратга эга эканлигини исботлайди. У бутун ҳаётини санъатга бахш этиб, халқ қалбида ўзига мухташам ҳайкал тиклади. Бу йил ҳукуматимиз ташаббуси билан улуғ мусаввир таваллудининг 100 йиллигини нишонлашга қизғин киришилгани ушбу чексиз эҳтиромнинг ёркин ифодасидир.



БУЮК МЎЙҚАЛАМ СОҲИБИ



Унинг ҳаёт йўлларига назар солсак, меҳнат-машаққатларга тўла ижод жараёнларининг гувоҳи бўламиз. Табиатнинг турфа ранг гўзалликлари ёшликдан бўлғуси рассом қалбини ром этди. Ёш Ўрол боғу-роғлар, пурвиқор тоғлар, ям-яшил ўт ўланларнинг жозибали кўринишига боқиб сираям тўймасди. Мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ ундаги мусаввирлик қобилиятини сезган тасвирий санъат муаллими Ярослав Фёдорович ўз маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берди.

Мактабни битиргач, у заводга ишга кирди. Заводга хомашё тайёрлаш учун Ўрол бироз муддат Ўратепада ишлади. Бу қадимий шаҳар ва унинг теварагидаги кўркам боғ-роғлар ёш рассом қалбини жунбушга келтирди. Натижада Ўратепанинг гўзал табиати акс этган манзара асар яратилди. 1924 йили Ў.Тансиқбоевнинг ижодий фаолияти, унинг ёрқин истеъдоди ҳақида вақтли матбуотда илк хабар босилди.

Ўрол Тансиқбоев Тошкентдаги Санъат музейи қошида очилган бадиий студияда маҳоратини оширади. Бу ерда у чинакам ижодий босқични босиб ўтади. Ў.Тансиқбоевга буюк рассом И.Е.Репиннинг шогирди Н.В.Разанов устозлик қилди. Мусаввир, 1927 йилда ўзининг илк мукаммал асари бўлмиш «Ўзбек портрети»ни яратди. Сурат мураккаб ёруғ-соя кўринишида ишланган. Қарама-қарши рангларнинг кескин қоришувида асар қаҳрамонининг жонли хатти-ҳаракати, кайфияти ва руҳий олами кашф этилган. Дўппи-чопондаги норғул ўзбек йигитининг одмигина дастурхон ёнида оёқларини чалиштириб ўтириб, гулдор чойнак-пиёлани ушлаган ҳолда чойга манзират қилаётган ҳолати ҳақиқий миллий қиёфани ифода этган. Ўткир кўз қарашлар, тўннинг ёрқин сарғиш-оқиш рангли чизиқлари жилвагар тусланиши ва ғижимларининг фусункорлиги суратга ўзгача жозиба бағишлаб турибди.

Бадиий студияда 1928 йилгача таълим олгач, Ў.Тансиқбоев Пенза бадиий тасвир билим юртининг охирги курсига қабул қилинади. У ерда И.С.-Горюшкин - Сорокуподов бошчилигидаги илғор ғояли рассомлар фаолият кўрсатишар эди. Уларнинг дунё тасвирий санъати бўйича сабоқлари ёш мусаввир ноёб туғма истеъдодининг юксалиши, унинг қаламчизги малакаси ва борлиқни рангда кўриш қобилияти ўсишида катта мактаб вазифасини ўтайди. «Ўтоб олдидаги аёллар» (1929), «Темирчи дўкони» (1929), «Пичоқ чархловчи» (1929) композициялари илғор услубий изланишлар жараёнида юзага келган. Уларда сиқиқ ранглар воситасида таъсирчан, лўнда сюжет талқини акс эттирилади.

Улуғ рассомнинг ўттизинчи йилларда яратган «Қишлоқ чеккаси», «Олтин куз», «Кўл бўйида», «Кўчманчилар» каби асарларида катта ижодий умумлашма ҳосил қилинган бўлиб, ўлка тасвирига жўшқин руҳ бағишлаш, туйғуларни бўёқлантириш даражасидаги ифодавийлик киши қалбига чуқур кириб боради. Эътиборли жиҳати шундаки, манзараларда инсон образи, унинг руҳий олами бевосита тасвир фонида, табиат қучоғида жонли бўёқлар билан очиб берилади. Ўрол Тансиқбоев «Хўжакент», «Бурчмулла водийси», «Ўзбек. Самарқанд», «Қиш» асарларида тасвирни Сарянчасига талқин қилиш, диёримизнинг ҳар бир бурчини кезиб, таассуротларини аниқ ва шартлилик орасидаги уйғунлик билан, туйғулар эпкинини катта қалб, теран нигоҳ билан ифодалаш орқали улкан истеъдодини намоён этган. «Қишлоқда», «Чўлда», «Тоғда» картиналари кенглик, юксаклиқнинг туйғулар ўлчамида акс эттирилгани билан ажралиб туради. Хусусан, «Чўлда» асарида бепоён чўл манзараси ҳамда унга монанд ўркачўркач булутлар сузиб юрган чексиз осмон суврати тасвирланган бўлса, «Тоғда» асарида пурвиқор тоғ чўққисига тикилиб турган йигит ва қиз акс эттирилган. Юксак чўққи узра улар томон қуёшнинг заррин нурлари тушиб тургани эса асарда порлоқ бир руҳни юзага келтирган.

Ўрол Тансиқбоев бутун ҳаёти давомида табиат қўйнида юз бераётган ўзгариш, турланиш ва шаклланишларни кузатиб, борлиқни англаш, унинг туб моҳиятини илғаш сари интилди. Вақтнинг оний лаҳзаларини рангда муҳрлаб қолдириш, табиат дунёсида кечаётган жараёнларни мисқоллаб бўлса-да тасвирга кўчириш устида тинимсиз меҳнат қилди. Бу орқали оддий одам илғамаган, ҳис қилиши қийин бўлган дақиқа, сонияларни кашф этди, тасвирда абадийлаштириб қолдирди.

Суратлардаги ҳар бир ҳолат кўриниши рассом қалби тубидан отилиб чиққан ҳаяжон, ҳайрат ифодасидир. У бутун борини она юрт табиатини куйлашга, унинг қаъридаги ўзгаришлар, турланишларни, юрагини ўртаётган, ижодга ундаётган дардларини тасвирда жонлантиришга сарфлади. Қалбдан қайнаб чиқаётган ҳиссий оламни юзаки акс эттириш Ўрол ака учун санъатга хиёнат ҳисобланган. Ижод, хаёлот домига тортилиб, шу олам аро яшаш, кундалик икир-чикирлардан санъатни юқори тутиш улуғ рассомнинг ҳаёт тарзига айланган. Ички дард ва ҳисларини рангларга кўчираётган лаҳзаларда у ўзининг энг бахтли, саодатли онларини кечирган.

«Ўлан» (1943), «Меҳмонда» (1944) асарларида айни шу туйғулар бўртиб кўринади. Мазкур композициялар ўзгача меҳр ила ишланганини сезиш қийин эмас. Дашту дала манзараси орқали асарда тасвирланган инсонлар қалбларидаги туйғулар чизилгандек гўё.

Ўрол оға табиат қучоғига тез-тез ижодий сафар қилар, бўлғуси картиналари учун ғоя излар эди. Гўё ўсимликлар, дарахтлар билан жонли суҳбатга кираги. Узоқ кузатишлардан сўнг хотирасида муҳрланган манзараларни тўла маънода устахонасида жонлантирарди. «Тоғдаги хўжалик» (1949), «Иссиққўл оқшоми (1951), «Тоғ кузи» (1954), «Қайроққум ГЭСи тонги» (1957), «Олмалиқ тоғида» (1958) каби асарларни томоша қилганда улуғ мусаввир борлиқнинг хилма-хил, гўзал рангларини кашф этганлигига гувоҳ бўламиз. Айниқса, «Тоғ қишлоғида оқшом» (1962) асарида оний лаҳзалар тасвири юксак маҳорат билан чизилган. Қишлоққа нимқоронғилик чўкиб, тоғ ортидан ой мўралаб турибди. Ҳали тўлиқ кўриниш бермаган ойнинг кучсиз шуъласи ярим қоронғиликка аралашиб, ажиб кўриниш касб этган. Лаҳзаларда ўтиб кетгувчи ҳолат мусаввирнинг кучли хотираси туфайли бор бўйи билан намоён бўлади.

Ў.Тансиқбоев ҳаётлиги давридаёқ асарлари жаҳон миқёсидаги эътирофга сазовор бўлди. Хусусан, унинг «Қайроққум ГЭСи тонги» картинаси Брюсселда ўтказилган халқаро кўргазмада Катта кумуш медал билан тақдирланган.

Улуғ мусаввир Ўрол Тансиқбоев фақат ижоди билангина эмас, фаол жамоат арбоби сифатида ҳам ўзбек рассомчилиги тараққиётига катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси раиси (1956-1959), 16 йил давомида собиқ иттифоқ рассомлар уюшмаси котиби лавозимларида ишлаб, кўплаб ёш истеъдодларни камол топтиришга раҳнамолик қилди. Миллий санъатимиз ривожи йўлида бор кучини аямади. Зеро, унинг буюк хизматлари, улуғ сиймоси халқимиз хотирасидан муқим жой эгаллаганлиги сири ҳам шунда.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,
санъатшунослик фанлари номзоди,
Тўлқин ШЕРНАЕВ,
журналист

Кино оламида

«ОЛТИН ГЛОБУС» СОҲИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида кино оламида нуфузли совринлардан саналган «Олтин глобус»ни топшириш маросими бўлиб ўтди. Соврин жаҳон киноси тарихида олтмиш биринчи марта топширилмоқда.

«Олтин глобус» нуфузи жиҳатидан «Оскар»дан кейин туради. Мукофот ғолибларга Ҳолливудда ишлайдиган хорижий журналистлар уюшмаси томонидан топширилади.

2004 йилнинг энг яхши филми сифатида АҚШ кинорежиссёри Питер Жексоннинг «Узуклар ҳукмдори: қиролнинг қайтиши» асари эътироф этилди. У энг яхши фильм, энг яхши режиссёрлик, энг яхши қўшиқ ва энг яхши мусиқа учун бир йўла тўртта «Олтин глобус»га лойиқ деб топилди.

Режиссёр Софи Копполанинг «Таржима машаққатлари» кинофилми «мусиқа ва комедия» жанридаги энг яхши фильм, деб эълон қилинди. Афгон киноусталари яратган «Усома» лентаси эса йилнинг энг яхши хорижий киномаҳсулоти бўлди.

Актриса Дайэн Китоннинг «Севги қоида билан ва... қоидасиз» филмида ижро этган роли комедия жанридаги энг яхши ўйналган аёл образи, деб тан олинди. Рене Зеллвегер эса ўзининг «Совуқ тоғ» филмидаги роли учун энг яхши комик актриса сифатида иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Комик ролларда суратга тушган актёрлардан Билл Мюррей «Таржима машаққатлари» кинолентасидаги роли учун йилнинг энг яхши комик актёри сифатида биринчи ўринни эгаллади. «Сирли дарё» филмида иштирок этган Тим Роббинс иккинчи ўринни олди.

«Сирли дарё» филмининг яна бир иштирокчиси Шон Пенни энг яхши драматик актёр, деб эътироф этилди. «Махлуқ» филмида суратга тушган Шарлиз Теронга йилнинг энг яхши драматик актрисаси, деган ном насиб қилди.

«Олтин глобус»дан телесериалчилар ҳам қуруқ қолмади. «Америкадаги фаришталар» филмида суратга тушган Мэрил Стрип ва Ал Пачино кичик сериал категориясидаги энг яхши актриса ва энг яхши актёр деб топилди.

Машҳур АҚШ киноустаси Майкл Дугласга эса ушбу мукофот киносанъати ривожидаги хизматлари учун берилди. У учинчи бор «Олтин глобус» билан тақдирланди. Илк бор «Уолл-стрит» кинолентасидаги роли учун, иккинчисида эса «Какку уяси узра парвоз» филмининг продюсери сифатида мазкур мукофотга сазовор бўлганди.

БУХОРОЛИК ОЛИМ - ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танловининг ўрта махсус касб-ҳунар таълими йўналиши бўйича бош соврини Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти доценти Қаҳрамон Олимовга насиб этди.

Мазкур йўналиш бўйича тақдим этилган 64 ўқув қўлланмасидан Қ.Олимовнинг «Тикувчилик корхоналари жиҳозлари ва ускуналари» дарслиги биринчи ўринга лойиқ топилди. Қўлланма Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига мос келиши, замонавий тикувчилик техника ва технологиялари борасидаги маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради.

Дарслик Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида етти минг нусхада чоп этилди. Республика ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтида эса унинг электрон нусхаси яратилди.

ЁШ КАРАТЭЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Болалар спортини ривожлантириш республика жамғармасининг Самарқанд вилоят бўлими ташаббуси билан «Анъанавий каратэ-до» бўйича шаҳар очиқ биринчилиги ўтказилди. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ёпиқ теннис кортида уюштирилган бу мусобақада 1983-1993-йилларда туғилган спортчи ёшлар қатнашдилар.

Мусобақада республикамизнинг қатор вилоятлари, Тошкент шаҳридан 100 дан ортиқ каратэчилар иштирок этиб, ўз маҳоратларини намоён қилдилар.

Ғолиб ва совриндорларга Самарқанд шаҳридаги Боғишамол тумани «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эсдалик совғалари топширилди.

ДАСТЛАБКИ НАМУНАЛАР

Бундан 63 йил илгари худди шу куни республикамизда электроника саноатининг йирик маркази ўз фаолиятини бошлаган эди. Эндиликда «Фотон» деган ном билан кенг танилган бу корхона махсулотлари кириб бормаган хонадонни учратиш қийин.

Электрон ва радиоэлектрон буюмлар, қора-оқ ва рангли телевизорлар, кам энергия сарфлайдиган чироқлар, каскадли трансформаторлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

Қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган фотоэлектрик станцияларнинг дастлабки намуналари эса Қорақалпоғистонга юборилди.

Янги йилда «Меркурий 115 Ф-Ўз» русумли назорат-касса машиналари саноат асосида кўплаб ишлаб чиқарилади.

Акбар АЛИЕВ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбеков таваллудининг 70 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбир Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компанияси, Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзтелерадиокомпания ҳамкорлигида ташкил этилди.

АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ў.Умарбеков қирқ йилдан зиёд баракали ижод қилди. Инсон ва унинг қалби, меҳр-оқибат, мурувват, садоқат адиб асарларининг асосий мавзуини ташкил этади. У «Севгим, севгилим» қиссаси билан ҳаёт китобхонлар назарига тушди. «Одам бўлиш қийин», «Фотима ва Зуҳра» романлари, «Ёз ёмғири», «Дамир Усмоновнинг икки баҳори», «Болгар қўшиқлари», «Бобоёнғоқ», «Қайтар дунё», «Ойнинг олтин ўроғи» каби қисса ва ҳикоялари халқчиллиги, самимийлиги, равон тили билан адабиёт ихлосмандларининг эътиборини қозонди.

Ў.Умарбековнинг «Қиёмат қарз», «Комиссия», «Шошма, қуёш!», «Кузнинг биринчи куни», «Аризасига кўра» каби пьесалари кўп йиллар мобайнида театр саҳналарида муваффақият билан намойиш этилди. Адиб сценарийси асосида суратга олинган бир неча бадиий фильмлар ўзбек киноси шуҳратига шуҳрат қўшди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон халқ артистлари Рустам Ҳамидов, Турғун Азизов ва бошқалар адибнинг ҳаёти, ижодий фаолияти хусусида сўз юритди.

Кечада «Ўзбеккино» компаниясининг Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида суратга олинган «Ўлмас Умарбеков» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

(ЎзА)

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Уйчи тумани халқ таълими бўлими қошида вояга етмаганлар билан ишлаш маркази ташкил этилди. У ўсмир ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда мактаб, оила, жамоатчилик ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорликни тубдан яхшилашга хизмат қилади. Марказдан прокурорлик таъсир ҳужжат намуналари, ички ишлар вояга етмаганлар назорати бўлими олиб бораётган ишлар ҳақида маълумотлар, илғор мактаблар тажрибасидан сўз юритувчи альбомлар, фотолавҳалар, шунингдек, Президент асарлари ўрин олган.

Шуниси диққатга сазоворки, тумандаги мавжуд 46 умумтаълим муассасасида мактаб ва жамоатчилик ўртасидаги алоқалар тубдан яхшилангани туфайли таълим ва тарбия самарадорлиги ошмоқда. 18-мактаб компьютер, 42-мактаб лингафон аппаратлари билан таъминланган. Агар 1-мактаб 2001 йилда 23,5 минг АҚШ доллари ҳисобидаги Япония грантини олган бўлса, 7-мактаб ўтган йили 41 минг АҚШ долларилик грантга сазовор бўлди. 18-мактаб бу йил 65 минг долларлик грантни олишга тайёрланмоқда.

Фан олимпиадалари ўқувчилар билим даражасини белгилашнинг асосий мезони бўлиб ҳизмат қилмоқда. Жумладан, уйчилик тўрт нафар ўқувчи вилоят босқичи ғолиби деб топилиб, республика мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ўқув йили бошида бюджет ҳисобидан 21 миллион сўмлик дарслик олдилар. Ҳомийлар томонидан эса ўқув қуроллари олиш учун 7 миллион сўмликдан ортиқ ёрдам кўрсатилди.

Ёз ойларидаиоқ мактабларни кузги-қишки мавсумга тайёрлашга жиддий киришилди. 17-мактаб, 7-болалар боғчаси томлари, 14-, 18-мактабларнинг спорт заллари, иситиш тармоқлари тўла таъмирдан чиқарилди. 388 метр квадрат ойна, 1773 тонна кўмир олиниб, таълим муассасаларига етказиб берилди. Бу қишки мавсумда ҳам таълим ва тарбия муассасаларида машғулотларни бекаму кўст ўтказиш имконини бераётир.

Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири

Баркамол авлод — юрт таянчи

Тошкент шаҳар кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма Кенгашининг раёсати ва жамоаси шаҳар касаба уюшма кенгашининг Сирғали туман вакили Зулхумор Мирпўлатовага падари бузруквори **Соғат ОРИПОВ** нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 19500 Буюртма Г— 217 23456